

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Худудий электр тармоқлари” АЖ**  
**Ягона акциядорининг**  
**2022 йил 12 майдаги 1-сонли**  
**қарори билан**

**"ХУДУДИЙ ЕЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ"**  
**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ**  
**ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА**  
**НИЗОМ**

**Тошкент - 2022й.**

## **МУНДАРИЖА**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
II. ИЖРО ОРГАНИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ.....	3
III. ИЖРО ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ .....	4
IV. ИЖРО ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ .....	7
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	8

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Жамият) ижроия органи мақомини белгилайди ва ишини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш, ваколати жамият уставида ва ушбу низомда белгиланган коллегиял ижро этувчи орган - Бошқарув томонидан амалга оширилади.

1.3. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, "Худудий электр тармоқлари" АЖнинг Устави ва Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **II. ИЖРО ОРГАНИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамият бошқаруви ягона акциядорнинг қарори билан уч йил муддатга сайланадиган 6 (олти) кишидан иборат.

2.2. Жамият бошқарув раиси ва аъзолари Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан лавозимга тайинланади.

2.3. Бошқарув раиси ва аъзолари лавозимига номзодлар жинойий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида Жамият Кузатув кенгашига хабар беришлари шарт.

2.4. Бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси лавозимига номзодни тақдим этаётганда Кузатув кенгаши раиси шартнома шартлари, иш ҳақи миқдори, бошқарув фаолияти учун мукофотлар ва компенсация миқдори ҳамда номзод томонидан шахсий ариза билан тасдиқланган шартномани тузишга розилиги тўғрисида маълумот беради.

2.5. Жамият бошқаруви раиси ва аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор Ягона акциядор — Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг ягона эгаси томонидан қабул қилинади.

2.6. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари лавозимига номзодлар уларнинг номзодлари Кузатув кенгаши ва Ягона акциядор томонидан кўриб чиқилаётганда иштирок этишлари мумкин.

Бошқарув раиси ва аъзоси лавозимига номзод сайланганидан (тайинланганидан) кейин Кузатув кенгаши у билан уч йил муддатга ўз вазифаларини бажариш учун шартнома тузади ва унинг фаолияти натижаларига кўра хар йили шартномани узайтириш ёки тугатиш имкони мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият номидан шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки жамият Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Бошқарув раиси ва аъзоси билан тузиладиган

шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари, шунингдек бошқарув раиси билан тузилган шартномада унинг Ягона акциядорга ва Кузатув кенгашига Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилиши бўйича ҳисобот бериш даврийлиги ҳам назарда тутилиши керак.

2.7. Бошқарув раиси лавозимига тайинланган шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Жамиятнинг ижроия органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

2.8. Ягона акциядор, Жамият раиси ёки бошқарув аъзоси билан агар у шартнома шартларини бузса, шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

2.9. Ягона акциядор ёки Жамият Кузатув кенгаши, агар жамият бошқарув раиси ёки бошқарув аъзоси жамият уставини кўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятга зарар етказса, у билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш (тугатиш) ҳуқуқига эга.

2.10. Жамият бошқаруви раиси ёки аъзоси билан тузилган шартномани бекор қилиш (тугатиш), шу жумладан муддатидан олдин бекор қилиш (тугатиш) тўғрисидаги қарор Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг Ягона эгаси - Ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

2.11. Агар Ягона акциядор томонидан Жамият бошқарув раиси ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, Жамият бошқарув раиси ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала шу йиғилишда кўриб чиқилиши ёки вазифани вақтинча бажарувчи этиб шахсни белгилаган ҳолда кейинги йиғилишгача қолдирилиши мумкин.

### **III. ИЖРО ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

3.1. Жамият бошқарувининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар киради, Ягона акциядорнинг ёки Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

3.2. Бошқарув қонун ҳужжатларида, жамият Уставида, ушбу Низомда, уларнинг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномаси шартларида, Ягона акциядор ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларида белгиланган ваколатлар доирасида иш юритади.

Жамият бошқаруви Ягона акциядор ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкиллаштиради.

3.3. Бошқарув раиси ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишончномасиз жамият номидан иш юритиш, мулкчилик шаклларида катъий назар, Давлат муассасаларида, барча ташкилот ва корхоналарда Жамият манфаатларини ифодалаш;

- банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларни банк ва жамиятнинг бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда очиш;

- Жамият миждозлари билан, шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш ва шартномалар (келишувлар) имзолаш;
- Жамият номидан хужжатларни имзолаш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- ходимларнинг штатдар жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва меъёрий хужжатларга мувофиқ Жамият ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашни (барча турдаги мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ва меҳнатга жалб этиш коэффициентлари) белгилаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари низомларини ва Жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият номидан ишончнома бериш;
- Жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида Жамият вакилларининг Жамият номидан овоз беришда ўрнини аниқлаш;
- Жамиятнинг бизнес хавфларини ва бошқарув аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилиш;
- Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган топшириқларни, буйруқларни ва кўрсатмаларни бериш;
- Жамиятнинг ички норматив хужжатларини тасдиқлаш, Ягона акциядор ёки Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган ички норматив хужжатлар бундан мустасно;
- қонун хужжатларига, жамият уставига ва меҳнат шартномасига мувофиқ бўлган бошқа ҳуқуқлар.

#### 3.4. Ижро органининг мажбуриятлари:

- Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқариш ва унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;
- давлат муассасаларида ва мулкчилик шаклларида қатъий назар барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорлари ижросини таъминланишини ташкиллаштириш;
- Жамият таркибий бўлинмаларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олишни таъминлаш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;
- Жамият фаолиятида қонунчилик талабларга риоя этилишини таъминлаш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тўғри юритилишини ва ишончлилигини таъминлаш, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқа ахборот олувчиларга маълумотларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- йиллик бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида Кузатув кенгашига ҳар чоракда ҳисобот бериш;
- Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Аудиторнинг талабига биноан Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига доир ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисоботларини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни сақлаш, агар унинг вазифалари доирасига бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш кирмаса. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
- Жамият ходимлари томонидан расмий ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш ва Жамият ходимларининг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
- меҳнат интизоми сақланишини таъминлаш;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;
- ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали Жамият мансабдор шахслари ва ўз малакаларини оширилишини таъминлаш;
- жамоа шартномаларида иштирок этиш, жамоа шартномалари ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида ҳаракат қилиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- ўз ваколатлари доирасида ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни Ягона акциядорга ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- Ягона акциядорнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотларни олиш, ваколат доирасида қарорлар қабул қилиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларини риоя этилишини таъминлаш;

- Жамият томонидан тузиладиган битимга афилланган бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашини хабардор қилиш;
- амалдаги Қонунчилик, Жамият устави ва Жамиятнинг бошқа ички хужжатлари талабларига риоя қилиш.

3.5. Жамият бошқаруви аъзоларининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари улар билан тузилган шартномада назарда тутилади.

3.6. Жамият бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришига фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

#### **IV. ИЖРО ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Жамият бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари ва белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари шарт.

4.2. Жамият бошқаруви аъзолари ушбу лавозимда ишлаш пайтида фаолияти маҳсулот сотиш ёки Жамият хизматларини кўрсатишда қийинчиликлар туғдирадиган корхоналарни ташкил этиш ёки ташкил этишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзолари Жамиятда бирор лавозимга тайинланганда бошқа ўхшаш корхоналарда иштирокларини тўхтатиб туришлари ва ушбу тўхтатиб туриш тўғрисида Жамият Кузатув кенгашига хабар беришлари шарт.

4.3. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари Жамият томонидан мулкни бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини белгилашни ҳамда жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни Жамият Кузатув кенгаши билан келишилгандан сўнггина амалга оширишлари мумкин ҳисобланади;

4.4. Жамият бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида Жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаш учун жавобгар бўлади.

4.5. Жамият ёки унинг Ягона акциядори Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Жамият бошқаруви аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

#### **V. ИЖРО ОРГАНИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

5. Жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва моддий рағбатлантириш миқдори тўғридан-тўғри Жамият фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ, бўлиб улар билан тузиладиган меҳнат шартномасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа

хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори билан белгиланган самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари билан узвий боғланган ҳолда белгиланади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

6.2. Мазкур Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг, Жамият бошқаруви раисининг таклифига биноан киритилади.

6.3. Агар ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар бекор қилинади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилмагунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ёки Жамият уставининг нормалари билан тартибга солинади.